

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРДА ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШ ВА УНИНГ ЁШ АВЛОДГА ТАЪСИРИ

(Ғойиб бўлган шаҳардан нишона, ёхуд Даҳякота ёдгорлиги мисолида)

Бахтиёр Асқарович Рўзинов

Наманган давлат университети, Амалий санъат ва рангтаъсир кафедраси
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6762293>

Аннотация. Мазкур мақола олий таълим ва умумий ўрта таълим тизимида тарих, археология, география, биология, меъморлик, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ва педагог ходимлар учун ўз касбий кўникма ва малакаларини такомиллаштириши масалаларига қаратилган.

Калит сўзлар: Тасвирий санъат, меъморчилик лойиҳалари, ҳаққоний тарих, бирламчи манбаларни илмий асосда ўрганиши услублари.

МЕЖДИСЦИПЛИНАРНЫЕ СВЯЗИ В ИССЛЕДОВАНИЯХ ОБЪЕКТОВ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ПОДРАСТАЮЩЕЕ ПОКОЛЕНИЕ

Аннотация. Данная статья посвящена повышению профессиональных навыков и компетенций научных работников и педагогов, проводящих исследования в области истории, археологии, географии, биологии, архитектуры, изобразительного и прикладного искусства в высшей школе и общем среднем образовании.

Ключевые слова: изобразительное искусство, архитектурные проекты, реальная история, методы изучения первоисточников на научной основе.

INTERDISCIPLINARY LINKS IN RESEARCH ON CULTURAL HERITAGE SITES AND ITS IMPACT ON THE YOUNGER GENERATION

Abstract. This article focuses on improving the professional skills and competencies of researchers and educators conducting research in the fields of history, archeology, geography, biology, architecture, fine and applied arts in higher education and general secondary education.

Keywords: Fine arts, architectural projects, real history, methods of studying primary sources on a scientific basis.

КИРИШ

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, моддий маданий меросимизни асраб-авайлаш, улар билан боғлиқ тарихий ҳақиқатни халқимизга етказиш, ижобий ўзгаришларни жамоатчиликка етказишда, халқимиз тарихий тафаккурини ўстиришнинг ўрни бекиёсдир. Халқимиз ва ўсиб келаётган ёш авлодни юксак инсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда аждодлар хотирасига садоқат, Ватанга муҳаббат ҳисларини шакллантириш таълим-тарбия соҳа вакилларининг хизматларидан биридир.

Айниқса, тасвирий ва амалий санъат соҳаси айти пайтда илғор тарбиявий-маънавий тарғибот воситаси ўлароқ давлат эътиборидаги соҳа сифатида ривожланиб бормоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган Фармон ва Қарорлар айти вақтда ўзининг амалий натижасини бермоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришган дастлабки кунлардаёқ, халқнинг ҳаққоний тарихи тараққиётнинг қудратли кучи эканлигига алоҳида урғу бериб, жумладан: “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир”, деган эдилар [1:29.].

Зеро, жамиятда санъат соҳасининг аҳамияти юзасидан давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг: “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни аввало миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим” – деган таъкиди жуда ўринлидир.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Миллий мафкурамизнинг пойдевори бўлган тарихий меросимизни ўрганиш жамият маънавиятини юксалтиришнинг асосий шартларидир. Маълумки, диёримиз дунё тамаддунининг энг азалий масканлари, марказларидан биридир. Республика ҳудудидаги моддий - маданий ашёлар юзлаб бебаҳо археологик, меъморий ва ёзма ёдгорликлар, ота-боболаримиз қадок қўлларининг заминда қолдирган кошона-ю саройлари, ўз давридаги гўзаллик оламининг мезони - амалий санъат ва халқ ижодиёти намуналарининг барчаси халқимизнинг бой ва бетакрор тарихий – маънавий меросидир [2:12.].

Вилоятимиздаги қисман очиб ўрганилган моддий маданий мерос объектларидан бири бу археологик ёдгорликлар бўлиб, уларни илмий ўрганиш, уларни авайлаб-асраш ва келажак авлодларга бенуқсон етказиш бизнинг шарафли бурчимиздир.

Жумладан, Буюк ипак йўлининг гуллаб-яшнашида пойтахт шаҳарларнинг аҳамияти катта бўлган. Бу борада қадимги Фарғона ўлкасининг пойтахти Ахсикент катта аҳамиятга моликдир. Лекин шу билан бир қаторда ўрта асрлардаги қирқдан зиёд шаҳарлар ҳақида ҳам ёзма манбаларда маълумотлар бериб ўтилган. Ушбу манбалардаги шаҳарлардан бири Шикит шаҳри бўлиб, у икки дарё оралигидаги дастлабки шаҳардир. Ушбу манбаларни манбашунос Алижон Воҳидов томонидан Фарғона шаҳарлари орасидаги масафоларни ўрганиш натижасида аниқлаган.

Зотан, мозий пинҳонларини фанга фoш қилиш савоблидир. Инсоният ҳаётида тўфон, тошқин, кўчки, зилзила каби кўплаб табиий офат мусибатларни бошидан кечирган. 1621 йилда Ахсикентда ҳам рўй берган даҳшатли ер силкинишидан сабаб водийдаги қатор шаҳар-у қишлоқ харобага айланди. Ҳатто номлари тарихдан изсиз ўчди. Аммо, олимларнинг изланишлари туфайли уларнинг вайронага айланиш сабаблари илмий равишда мукамал ўрганиш, бирламчи манбалар орқали жойлашган ўрни, координаталари орқали мутахассислар билан ҳамкорликда ўрганилиб ҳаққоний тарихини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда [3:73.].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 28 февраль 1 март кунлари Наманган вилоятига хусусан, Ахсикент мажмуасига ташрифи ёдгорликни “Очиқ осмон остидаги музей”га айлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Давлатимиз

рахбари Ахсикент - темурийзода Умаршайх Мирзо давлатининг пойтахти бўлганлигини, шаҳар тарихини бирламчи, ишончли манбалар асосида янгидан ёзиб халққа етказиш лозимлигини уқтириш баробарида археология фанини ривожлантиришга доир баъзи таклифларни билдириб ўтди. Ахсикентда республикамиз Олий таъдим муассасалари тарих ва археология йўналиши талабаларининг дала амалиётини ўтказиш, ҳар икки йилда **“Ўтмишга саёҳат”**, деб номланувчи халқаро тарихий, археологик-этнографик фестивалини, халқ таълими муассасалари ўқувчиларида ўтмишга бўлган қизиқишни уйғотиш мақсадида ёдгорликка синфдан ташқари мунтазам экскурсиялар уюштириш, **“Ёш қадимшунослар”** мактабини ташкил этиш, сафар таассуротлари асносида иншолар танловини ўтказиш мақсадида **“Буюк тарихдан-буюк келажак сари”** шиори остида босқичма-босқич амалга оширилаётган тадбирлар жадвалини ишлаб чиқиш, **“Барҳаёт ажодларимиз”** рукнидаги улуғ шахсларимиз ҳақидаги брошюраларни нашр этиш ва вилоятимиздаги ўқув даргоҳларига етказиш кабилар шулар жумласидандир [4.].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Ҳақиқатан ҳам, мактабларда ҳафтасига икки марта синфдан ташқари машғулотлар ўтказиш, диққатга сазовор турли ёдгорликларга экскурсиялар уюштириш, ўқувчиларни ижодий фаолиятга йўналтириш уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига кўмаклашса, бошқа бир жиҳати бўш вақтларини мазмунан бойитади, уларни ақлан ва жисмонан камолотига ёрдам беришда катта роль ўйнайди.

Ўзбек археологияси отаси саналмиш академик Яҳё Ғуломов **“Археологик қазилма жарроҳлик операциясига ўхшайди”** дея, бежиз урғу бериб ўтмаган [2:7.].

Худди шундай археологик ёдгорлик қолдиқларини муаллиф томонидан Наманган вилояти, Уйчи тумани Жийдакапа қишлоқ фуқаролар йиғини, Даҳякота қишлоғида яшовчи А.Ҳақимовнинг ҳовлисидан қадимги бино пойдевори қолдиқлари топилди ва IX-XI асрларга тегишли эканлиги аниқланди. Бу ерда археологларни жалб қилиб илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, бу иншоот қолдиқлари ҳақиқатан ҳам IX-XI асрларга мансуб ҳаммом қолдиқлари эканлиги аниқланди. Натижада ҳозирги кунда сақланиб қолган ҳаммомнинг уч хонаси очиб ўрганилди.

Бизга маълумки, ислом оламида фақатгина йирик марказлашган шаҳарларда илм-фан, савдо-сотик ва ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида талабалар учун мадрасалар қурилган. Шу билан бир қаторда мадраса атрофида масжид, ҳаммом ва хунармандлар расталаридан иборат бир мажмуа бўлган. Бу ажодларимиз ўрта асрлардаёқ диний ва дунёвий илмларни пухта ўзлаштирганликлари, айниқса, ҳандаса (геометрия), математика, кимё, тиббиёт, меъморчиликни санъат даражасигача олиб чиққанликлари, фанлараро алоқанинг аҳамиятини ўша даврлардаёқ ҳис этганликлари ва табиатни эъзозлаганларидан далолатдир.

Ушбу жойдан ўша даврга оид Сомоний ва Қорахонийлар даврида зарб этилган чақа тангалар ҳам топилди. Яна бир муҳим топилма эса камдан-кам ишлатилган 37x37x4 см ўлчамдаги пишиқ ғишт ҳамда 30x14x4 см ўлчамдаги ғишт намуналари билан ишланган пойдевор ва девор қолдиқларидир. Бу ерда турли услубда ишланган сирли сопол идишлар, тигел парчалари, шиша синиқлари, сопол қувур синиқлари, мис буюм қолдиқлари ва уларнинг синиқлари ҳам учради. Ғиштларни махсус тайёрланган кир қоришмаси билан урилган. [5:57.].

Бу топилган топилмаларни, яъни ўтхона йўлагидан олинган қурум, кир қоришмаси ва бошқа буюмларни НамДУ профессори Ш.Абдуллаев, катта ўқитувчи Ф.Ҳошимовлар таҳлил қилдилар. Дастлабки кимёвий таҳлил натижалари қуйидаги жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Таъсир этувчи реагент	Ўзгаришлар			
	Қозон қуяси	Ҳаммом девори	Кул қолдиғи	Аниқланган модда
1. HCl Хлорид кислота	Ҳидсиз, рангсиз газ, тиник эритма озроқ коллоид чўкма	Рангсиз газ, озгина палағда тухум ҳидли лойқа эрит-ма, лойранг чўкма	Ҳидсиз, рангсиз, лойқа эритма, қора чўкма	CO ₂ , CaCl ₂ , SiO ₂ , силикатлар
2. КОН Ўювчи калий	Ўзгармади	Ўзгармади	Ўзгармади	-
3. СН ₃ СООН Сирка кислота	Ҳидсиз, рангсиз газ	Эриди	Эриди	CaCO ₃ MgCO ₃
4. Бутанол	Эритмади	эритмади	эритмади	Ноорганик моддалар
5. Хлороформ	эритмади	эритмади	эритмади	Ноорганик моддалар
6. Ацетон	эритмади	эритмади	эритмади	Ноорганик моддалар
7. Сув	эритмади	эритмади	эритмади	Ноорганик моддалар

Биринчи тажрибада олинган хлорид кислотали эритмаларни қайта таҳлил қилиш натижасида қайси аналитик гуруҳ катиони борлиги маълум бўлди.

2-жадвал

Таъсир этувчи реагент	Ўзгаришлар			
	Қозон қуяси	Ҳаммом девори	Кул қолдиғи	Аниқланган модда
1. КОН	Оқ чўкма	Оқ чўкма	Озроқ оқ чўкма	CaCO ₃ , MgCO ₄ чўкмалари
2. H ₂ SO ₄ сульфаткислотаси	Оқ чўкма	Оқ чўкма	Озроқ оқчўкма	CaSO ₄ чўкмаси

Ушбу таҳлиллар бирламчи бўлиб, янада аниқроқ ва тўлароқ маълумотлар олиш учун элемент анализ, спектроскопик, хроматографик ва атом-адсорбцион усулларда текшириш мақсадга мувофиқдир.

Кўрғонча маҳалласида яшовчи фуқаро Шарифжон Йўлдошев ховлисида ўрта асрларга тааллуқли бўлган, сомоний ва қорахонийлар даври қурилиш анжومي бўлган пишиқ ғиштдан қурилган расадхона ёки сардобага ўхшаш иншоот қолдиқлари эканлиги аниқланди. Иншоотнинг ўлчамлари диаметри 7,40 метр, айрим жойлари эса 6,60 метрдан

иборат. Ер сатхидан 1 метр чуқурликда жойлашган. Ғишт ўлчами қалинлиги 3x14x28 см.дан иборат. Тўққиз қатор терилган ғишт қатлами сақланиб қолган. Девор сувок қилинмаган. Пол қисмига эса, 15x30x3см.ли пишиқ ғиштларни маҳорат билан терилган. Айрим жойларига қопқоқ сифатида 37x37x4 см.ли пишган ғишт намуналари ишлатилган. Яна бир диққатга сазовор томони пол сатҳининг ўртасига сув обдовини олиниб, махсус ғиштли ариқча ишланган ва ариқчани иншоотнинг шимолий томонига қуйиладиган қилинган. Демак, бу қишлоқдаги ушбу зиёратгоҳни аҳоли томонидан эъзозлаши бежиз эмас эканлиги кўрсатди.

МУҲОКАМА

Манбашунос А.Воҳидов билан ушбу ёдгорликнинг бирламчи манбаларига асосан меъморий қурилиш ишлари солиштирилганда, Қоҳира шаҳри хукмдори асли келиб чиқиши Бухоролик Тулун томонидан ҳамюртимиз Аҳмад Фарғоний томонидан барпо этилган Тулун масжидидаги сув иншооти қурилмалари эканлиги билан ўхшашлиги аниқланди. Албатта Нил дарёсидаги Нилометр сув ўлчагич қурилмасини барпо этган ҳамюртимиз буюк мутафаккир олим Аҳмад Фарғоний дастлабки мукамал билим ва тажрибаларини шу ўзи ўсиб улғайган юртида олиб, Тулун таклифига биноан Қоҳира шаҳрига боради. Ва у ерда Нил дарёсидаги дастлабки мўжизакор сув ўлчаш қурилмасини барпо этди. Ушбу қурилма мана минг йиллар ўтиб ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Демак, шу каби моддий маданий мерос объектларида ўтказилган илмий тадқиқотларни фақатгина археологик нуқтаи назар билан бир тарафлама ўрганиш эмас, балки ҳар бир соҳа бўйича етук мутахассислар жамоаси билан кенг қамровли манбаларни моддий ашёлар билан солиштириш орқали илмий таҳлил ва хулосалар орқали ўрганиш ҳаққоний тарихимизни мукамал қилиб ёритиб беришга асос бўлади.

Албатда ўз ўрнида халқ оғзаки ижоди намуналари ва афсоналардан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин ўша афсоналарни ҳам илмий асосда ўрганилиб аниқлик киритилса авваломбор ёш авлод тарбиясида ўз юртига, миллатига бўлган меҳр уйғонади. Ташриф буюрадиган сайёҳлар ҳам бундай зиёратгоҳ муқаддас қадамжолардан ажабланмай завқ олишлари мумкин бўлади.

Аслида қадимий ёзма манбалардаги китобларда ҳозирги Норин дарёси Хайлом номи билан юритилган ва дарё бўйида Хайлом шаҳри мавжуд бўлган. Шунинг учун кўплаб Хайломий нисбасини олиб ижод қилган алломалар ёзма манбаларда мавжуд.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида ўйлаймизки, жамланган янги маълумотлар Наманган хусусан, Фарғона водийсининг қадимий тарихини, дунё илм-фанига юксак даражада хисса қўшган алломаларни аниқлаш, ўтмишини, маданиятини, санъатини, меъморчилик тарихини ўрганаётган тадқиқотчи-меъмор, тарихчи, санъатшунос ва бошқа мутахассислар учун унинг тарихий-маданий меросимизда тутган ўрнини аниқлашда муҳим кўмак бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари тақдим этилаётган Дахияк ота археологик объекти ушбу ўлка тарихи ҳақида эшитган барчани қизиқтириб, вилоятга мамлакатимиз ва дунёнинг турли томонларидан кўпдан-кўп сайёҳлар келишини таъминлайди деб умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар I жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

2. Қозоқов Т, Рўзинов Б, Воҳидов А. Буюкларга бешик бўлган Ахсикент ёхуд Фарғона алломалари.- Тошкент: Наврўз, 2020.
3. Қозоқов Т., Рўзинов Б., Воҳидов А. Ибрат нигоҳидаги Ахсикент.-Тошкент: Наврўз, 2018.
4. Қозоқов Т., Рўзинов Б. Кашфиётчилар мактаб давридаёқ кашф этилиши зарур //Маърифат, 2021 йил 10 ноябрь.
5. Исмоилов Ю., Рўзинов Б. Ахсикент-қадимги Фарғона пойтахти.- Наманган: Наманган нашриёти, 2013.
6. Рўзинов Б. Наманган вилояти дурдоналари. "Fan ziyosi nashriyoti" 2021 yil



Ҳаммом худудида ва Ш. Йўлдошев ҳовлисида топилган ўрта асрга оид иншоот қолдиқлари.